

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МЕХНАТ КАФЕДРАСИ**

**Абдураззокова Дилфузанинг**

5140700 – тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши  
бўйича бакалавр даражасини олиш учун “ *Тўғарак машғулотида  
ўқувчиларни Камоллиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби  
билан таништириш йуллари*” мавзусидаги битирув малакавий иши

Раҳбар:

Ўқитувчи Яркулов Т

Гулистон - 2011

## Мундарижа

|                                                                                                                                                          |              |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                                                                        | <b>3-10</b>  |
| <br><b>I. БОБ. ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ<br/>КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ<br/>УСЛУБИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ</b> |              |
| 1.1. Тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларининг мақсад ва<br>вазифалари.....                                                                            | 11-20        |
| 1.2. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона<br>тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг мазмун ва моҳияти.....              | 21-24        |
| <br><b>II. БОБ. ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ<br/>КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ<br/>УСЛУБИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ</b>   |              |
| 2.1. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона<br>тасвирий санъат услуби билан таништириш усуллари.....                           | 25-31        |
| 2.2. Тажриба–синов ишлари ва уни ўтказиш методикаси.....                                                                                                 | 32-41        |
| <br><b>ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР .....</b>                                                                                                             | <b>42-43</b> |
| <br><b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                         | <b>44-45</b> |
| <br><b>ИЛОВАЛАР.....</b>                                                                                                                                 | <b>46-50</b> |

***Кириш:***

***Муаммонинг долзарблиги:*** Ҳар бир жамиятнинг маънавий даражаси, билими истеъдодли, қобилиятли ва ўқувли инсонларни кадрлаш уларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, камол топиши учун етарли шарт-шароитларни таъминлаб бериши билан белгиланади.

Маънавий жиҳатдан ривожланган жамиятдан истеъдод эгалари миллатнинг ғурури келажаги деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ҳар соҳада бўлгани каби истеъдод эгаларига бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас. Яъни жамият идеаллари, принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса, олиб борилаётган оммавий тадбирларимиз тарбиявий жиҳатдан самарали бўлади. Бу эса ғоявий ишлар самарадорлигини оширишнинг носоғлом муҳитлар рўй беришидан сақланишнинг энг таъсирчан усулидир.

Илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида турли хил оммавий ва тарбиявий тадбирларни уюштириш орқали таланти ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятларини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, тасвирий-оммавий тадбирлар амалга ошириш орқали унинг тарбиявий аҳамияти жуда кучли, натижаси эса бениҳоят катта бўлади. Албатта, бундай тадбирларда томашабин ўзига маънавий озуқа олади, роҳатланиб дам олиб ҳордиқ чиқаради, янги иш кунини яхши кайфият, янги фикр, янги ғоя билан бошлайди.

«Таълим тўғрисида» ги қонуннинг 17-моддасига асосан мактабдан ташқари таълимда болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий-техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Тасвирий санъатдан оммавий ва тарбиявий ишларга оид тўғаракларда ўқувчиларнинг бадий-эстетик дидини, маънавиятини, ахлоқини Ватанга, эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббатини меҳнатга, билим олишга бўлган интилишини, қобилиятини ошириш ва албатта янги-янги самарали ишларга бош қўшмоғи муҳим аҳамият касб этади. Тадбирни амалга ошириш режасида эстетик, тарбияга эътиборни қаратиш лозим.

Ўқувчилар қалбини урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўргатиш орқали улардан одоб-ахлоқ нурларини ёритмоқчи бўлган тарбиячи ўқувчи чуқур билим, кенг маҳорат ва тарбиячилик, ташкилотчилик санъатини эгалламоғи лозим.

Мактабда синфдан ташқари тасвирий санъат тугаракларини амалга ошириш методикаси курсининг мақсади:

- бўлажак ўқитувчи тарбиячилар, тўғарак раҳбарларига тарбияга доир тадбирларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари ҳақида билим бериш;

- ўқувчиларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий ва маънавий қадриятларидан фойдаланиш манбашуносликка ўргатиш;

- оммавий тадбирларни режалаштиришда ўқувчи ёшларнинг ёш хусусиятлари қизиқиши, жамоадаги ижобий ва салбий томонларининг мавжуд даражасига эътибор бериш;

- тарбиявий тадбирларни сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларида фойдаланиш имкониятига эга бўлиш кабилар.

Тасвирий санъатда нафосат тарбия масаласи ҳозирги замон педагогикасида таълим тарбиянинг умумий муаммоси билан боғлиқ . Тасвирий санъат ижодида ва идрокида интеллектуал асосий қарор топширишдан ҳеч қачон воз кечмаслик керак. Тасвирий санъат машғулоти, тасвирий санъатдан синфдан ташқари тўғарак ишларини олиб бориш нафақат тарбия беришда Муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг “Гулистон” асарида шундай деб ёзган эди: “Кимда-ким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта бўлгач бахтли бўлолмайди. Хўл новдани истаганча букиш мумкин. Қуруқ новдани эса фақат оловда товлаб тўғрилаш мумкин”. Тарбия ҳақидаги бу ғоя авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган бўлак мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда Муҳимдир. Тарбия туғилган кундан бошланмоғи лозим. Тасвирий санъатдан турли хил тадбирларни амалга ошириш жараёнида уларнинг онги ва иродасини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга тарбия ижтимоий ходиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзининг амалга ошириш шаклига эгадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёш авлодни миллий-маънавий руҳда тарбиялашга, тасвирий ва амалий санъат бўйича турли хил оммавий тадбирларни амалга оширишга кенг имкон яратилди. Маънавий жиҳатдан ривожланган жамиятдан истеъдод эгалари миллатнинг ғурури келажаги деб қаралади.

Илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш уларнинг ижодий салоҳиятини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, ғамхўрлик қилиш кабилар кун тартибига қўйилгандир. Демак истеъдод эгаларини излаб топиш, тарбиялаш, рағбатлантириш, уларга шарт-шароитлар яратиб бериш зарурдир. Шу боис тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини ташкил қилишнинг тарбиявий аҳамияти жуда кучли, бадий маънавий натижаси эса бениҳоя каттадир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб талаба-ўқувчи ёшлар тарбиясида уч манбадан фойдаланиш мумкин. Президентимиз И.Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият” асарида қуйидагича уч омил кўрсатилган:

1. Умумий инсоний қадриятлар.
2. Ислон таълимоти .
3. Ўзбек миллий урф-одатлари.

Юқоридаги омиллар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, талаба-ўқувчи ёшларда тасвирий санъатдан турли хил бадиий – ижодий, оммавий тарбиявий тадбирларни амалга оширишда Муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Мактабда синфдан ташқари тўғарак ишларини амалга ошириш жараёни ўқувчиларни онгли маънавий етук инсон қилиб тарбиялашда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Тасвирий санъатдан тугаракларни амалга ошириш методикаси фанининг предмети, бўлажак тарбиячи-ўқитувчиларга келажак авлодни маънавий жихатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш, санъатнинг қирралари, шакл ва йўллари тўғрисида билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш ҳақида баҳс юритади.

Тасвирий санъатдан тўғаракларни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш методикаси ижтимоий фан бўлиб, миллий онг ва истиқлол мафкурасини шакллантиришга хизмат қилади. Унинг мақсад ва вазифалари:

- бўлажак ўқитувчилар, тарбиячилар, тўғарак раҳбарлари тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиш, тарбиявий таъсирга эга бўлган манбаларни ўргата билиш;

- тарбиявий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора тадбирларини кўра билиш;

- илғор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб ундан ижодий фойдаланиш;

- тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг рухиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши ва такомиллаштириши;

- тарбиявий тадбирларни самарадорлигини оширишда ўз билимини тарбиявий равишда бойитиб бориши лозим.

Бугунги кунда Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ўқувчиларни инсонпарварлик, она Ватанга муҳаббат, жасорат, фидокорлик, вафо, гўзал ҳулқ руҳида тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Чунки бундай хусусиятлар баркамол инсон фазилатидир. Мамлакатимиздаги маданий ҳаётнинг юксалиши эса ҳозирги кунда коллежларда тайёрланаётган бошланғич синфларда тасвирий санъат ўқитувчиси ва тўғарак раҳбари мутахассисларни тайёрлашда ўқув юртлари олдига ўта долзарб муаммоларни қўймоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш эса ўз навбатида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган тасвирий санъат ўқитувчиларини ва тўғарак раҳбарларини тайёрлашни талаб этади. Ушбу битирув малакавий иши тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш йуллари ҳамда тўғарак раҳбарлиги каби муаммоларни ҳал этишга уринишлардан биридир.

Битирув малакавий ишимизнинг мавзусидан келиб чиқиб, биз ўз олдимиздаги мақсад ва вазифаларни қуйидагича белгилаб олдик:

**Тадқиқотнинг мақсади:** Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш йулларини мазмуни, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети:** Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг шакл ва методлари.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш жараёнининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.
2. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришда интерфаол методларидан фойдаланишнинг мазмун ва моҳиятини ёритиш.
3. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот методлари:** Тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш; таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мавжуд ҳолатини ўрганиш; педагогик кузатув; суҳбат; анкета сўрови; педагогик тажриба.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими вазирликлари томонидан қабул қилинган қарорлар, меъёрий ҳужжатлар; педагогика, психология ва тасвирий санъат методикаси бўйича таълимни янги педагогик технология асосида ташкил этишга оид хорижий тажрибалар, назариялар ва концепциялар, шунингдек, республикаимиз олимларининг ушбу мавзу юзасидан қарашлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан таълим соҳасида илгари сурилган ғоялар, тасвирий санъатдан давлат таълим стандартлари ташкил этади

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини олиб бориш самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситалар тизими ишлаб чиқилди; синфдан ва мактабдан ташқари таълим жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш воситасида

таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:** Тўғарак машғулотида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилди; синфдан ва мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқитувчи маҳоратининг мазмуни, методлари, шакл, ва воситалари аниқланди; тадқиқ этилаётган жараёни самарадорлигини оширишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:**

тўғарак машғулотида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг самарали йўллари, педагогик шарт-шароитлари кўрсатиб берилди. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий қарашлар синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитади, ушбу жараёни такомиллаштиради ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан синфдан ва мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш борасидаги адабиётлар, қўлланмалар ҳамда услубий ишланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш воситасида таълим самарадорлигига эришиш мумкин, агарда:

- Умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини ташкил этишда янгича ёндашув қарор топса;
- тўғарак машғулотида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг дидактик имкониятларининг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими асосланса;

- тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш жараёнида фанлараро алоқадорликнинг таъминланилишига эришилса;

- тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни амалиётга татбиқ этилишига эришилса.

- таълим жараёнини технологик ёндашувга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

**Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши:** Битирув малакавий иш кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмидан иборат.

## **И. БОБ. ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ УСЛУБИ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

### ***1.1. Тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларининг мақсад ва вазифалари.***

Тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишлар умуман ўрта таълим тизимида катта ва муҳим ўринни эгаллайди. Улар тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик каби санъат турлари бўйича амалга оширилади. Бу синфдан ташқари ишлар тўғарак учрашув, кўргазма, танлов, кечалар каби қатор йўналишларда ўрқазилади ва улар ўқувчиларни бадий-ижодий эҳтиёжларини қондириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, улардаги индивидуаллик ва интеллект рўёбга чиқаришга хизмат қилади. шу билан бирга у ёшларнинг бадий эстетик фикр доираларини кенгайтиради ҳамда дидини ривожлантиради.

Тасвирий, амалий санъат ва меъморчилик ташкил этиладиган тўғараклар умумий ўрта таълим мактабларининг барча синфларини қамраб олади. Улар кичик (1-4 синфлар), ўрта (5-7 синфлар), катта (8-9 синфлар) гуруҳлардан ташкил этилади ва рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, қаштачилик, ёғоч ўймакорлиги, бадий сополдўзлик, шунингдек, меъморчилик, санъатшунослик тўғараклари ҳисобланади.

Шунингдек, тўғарак санъатнинг у ёки бу тури жанри асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Миниатюра, монументал, бадий безак, мозаика в.б. Бу тўғаракларнинг турлари уларга ажратилган соатлар, ҳажми ва таълим мазмуни болаларнинг истаклари, майллари ва мактаб имкониятлари, болаларнинг ёшлик ҳусусиятларидан келиб чиқиб танланади.

Мактабларда тўғаракларнинг мақсад ва вазифалари асосан болаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланар экан, улар қатъий режа асосида мунтазам олиб борилиши талаб этилади.

Тўғараклар ҳар бир мактабда санъатнинг турлари, гуруҳлар бўйича битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Умумий ўрта таълим мактабларида тўғарак раҳбарининг асосий эътибори қуйидагиларга қаратилади:

- тўғаракларга тасвирий ёки амалий санъатга қизиқиши ва қобилияти бор ўқувчилар қабул қилинади ҳамда ҳар бир гуруҳда уларнинг сони 10-15 тадан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда улар билан олиб бориладиган ишларнинг сифати пасайиб кетади.
- тўғаракка болаларнинг қизиқиши, идроки, тасвирий малакалари, ижодий қобилиятлари ўрганилиб ва маълум вақт мобайнида синовдан ўтказилиб, қабул қилинади.

Тўғаракларда тасвирий ва амалий санъат таълими мазмуни алоҳида эътиборга лойиқ. Таълим мазмунининг тўғри белгиланиши тўғарак ишини муваффақиятли белгилайди. Шунинг учун раҳбар мавжуд дастурларни ўрганиб чиқиши ва шу асосда ўзининг маҳаллий шароитлари, болаларнинг тайёргарлиги ва имкониятлари, моддий-техникавий асоснинг мавжудлигига қараб таълим мазмунига оид ўз режасини ишлаб чиқмоғи лозим.

Тўғараклар тасвирий ва амалий санъатнинг қайси тури ёки жанридан бўлишидан қатъий назар, у амалий ва назарий қисмлардан ташкил топади.

Тасвирий санъатдан амалий ишлар бевосита расм, натурага қараб расм ишлаш, композиция ишлаш, сурат намуналарини кўчириш каби йўналишларда амалга оширилади.

Амалий санъатга доир (наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, бадиий сополдўзлик, мисгарлик, каштачилик в.б.) тўғараклар нақш намуналаридан кўчириш, мустақил ижодий композициялар ишлашдан ташқари тасвирий санъат тўғаракларидаги каби натурага қараб расм ишлаш билан ҳам шуғулланадилар. Бундай машғулотларда ўқитувчи тасвирлашнинг

назарий асослари ҳисобланган ёруғсоя, перспектива рангшунослик қонунларига ҳам алоҳида эътибор беради. Бу қонун ва қоидаларига доир махсус машғулотларни ташкил этиш мумкин.

Рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графика тўғараклари машғулотларида композициялар ишлашга катта ўрин берилади. Болалар тасвирий санъатнинг барча жанрлари (манзара, турмуш, натюрморт, тарихий, батал, анимал, портрет, афсонавий, марина) бўйича мустақил композиция ишлаш, тайёр санъат асарлари намуналаридан кўчириш билан шуғулланадилар. Улар адабий асарларга иллюстрациялар ишлаш, бадиий безак ишларига доир топшириқларни ҳам бажарадилар.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларида тўғарак аъзоларининг ёшлари ёки гуруҳларга қараб табиат маҳсулотлари (барглар, гуллар, мева ва сабзавотлар), уй-рўзгор, меҳнат буюмлари, техника, спорт, санъатга доир предметлар, меъморчилик обидалари, турган ёки ҳаракатдаги одам, қуш, ҳайвонлар расмлари чиздирилади.

Бундай машғулотларда, гипсли геометрик шакллар, резеткалар, одам ва ҳайвонларнинг гипсли шакллари, мева ва сабзавотларнинг муляжлари, қуш ва кичик ўлчовдаги ҳайвонларнинг тулумларини ўқув машғулотларида чиздириш қўйилган мақсадга эришишни енгиллаштиради. Юқорида қайд қилинган буюм ва нарсалар топшириқнинг вазифасига қараб алоҳида ёки тўп ҳолда, ҳаракатда ёки ҳаракатсиз ҳолатларда чиздирилиши мумкин. Бундай машғулотлар мавзуга оид рассомлар асарларининг репродукцияларини намойиш этиш ва таҳлил қилиш билан қўшиб олиб борилади. Шунингдек, бу машғулотларни узоқ, қисқа муддатда, мустақил тарзда амалга оширилади.

Бериладиган топшириқлар мавзу ва мазмун жиҳатдан болаларнинг ёши, қизиқиши, тасвирий имкониятларига яраша бўлади.

Композиция машғулотларининг болалар учун қизиқарли бўлишлиги манзара ва турмуш жанрларидан ташқари, тарихий, батал, анимал, афсонавий жанрларда ҳам топшириқлар учун "Спитамен кўзғолони", "Жиззах

қўзғолони", "Муқанна қўзғолони", Мангубердининг мўғилларга қарши кураши" каби мавзалари тавсия этилса, афсонавий "Сув парилари", "Девлар ҳаёти", "Кентаврлар жанги", "Аждархолар билан кураш", "Бошқа сайёраларда" каби мавзуларда расм ёки ҳайкаллар ишлатиш ўқувчиларда катта кўтаринкиликни уйғотади.

Шу билан бирга анимал жанрдаги она ва бола ҳайвонлар ҳақидаги мавзулар ҳам болаларда катта қизиқиш ҳосил қилади.

Тасвирий ва амалий санъатдан назарий билимлар тўғарак турига қараб оддий ёки мураккаб мазмун берилади.

1. Санъшунослик тўғараклари (Тасвирий санъатнинг алоҳида тур ва жанрлари, Ўзбекистон тасвирий санъати, у ёки бу давр тасвирий санъати бўйича). бундай тўғаракларда назарий билимлар болаларга анча кенг ва чуқурроқ ҳажмда берилади.

2. Тасвирий санът (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) тўғараклари. Бундай тўғаракларда назарий билимлар ўртача ҳажмда берилади.

3. Амалий-безак санъати тўғараклари. Бундай тўғаракларда назарий билимлар қисқартирилган ҳажмда берилади. Бироқ, халқ амалий санъати тарихи уни назарий асослари, халқ усталари, амалий санъатда ишлатиладиган иш турлари ва жиҳозлар, материаллар, иш услублари, халқ санъати ривож топган марказлар, санъат ва вилоят ўлкашунослик музейлари, улардаги экспонатлар ҳақида кенг маълумотлар берилиши талаб этилади.

Амалий санъатнинг у ёки бу тури бўйича машғулотларда болалар композиция ишлар эканлар аввало уни бевосита амалиёт ёки буюмлар билан боғлаб амалга оширадилар, яъни бажариладиган нақш ёки безаклар у ёки бу буюмнинг бадиий беағи учун мўлжалланган бўлишлиги лозим. Бунда болалар буюмнинг вазифаси, материали, шакли, ўлчовлари кабиларни ҳисобга оладилар. Улар буюмнинг вазифаси, шакли, материални ҳисобга олиб, йўлсимон, квадрат, учбурчак, тўртбурчак, доира, кўпбурчак, намоён шаклларида бадиий безак ишларини бажарадилар. Бу ишлар амалий

санъатнинг турига қараб ҳам эскиз, ҳам бевосита буюм юзасига ишланиши мумкин.

Санъатшунослик асослари тасвирий ва амалий санъатдан барча тўғарак машғулотларида ўрганилади. Санъатшунослик бўйича тўғаракларда санъат тарихи анча кенг ва чуқур ўргатилса амалий тарздаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек, амалий санъатнинг турлари бўйича ташкил этилган тўғаракларда унинг ҳажми маълум миқдорда тораяди. Қуйида тасвирий санъат тарихи бўйича тўғарак машғулотларининг мазмуни баён этилади.

Кириш. 1. Тасвирий санъатнинг кишилар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти 2. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари. 3. Қадимги дунё санъати. 4. Антик дунё санъати. 5. Ўрта асрлар санъати. 6. Қадимга ўзбек санъати. 7. Европа уйғониш даври санъати. 8. Шарқ уйғониш даври санъати. 9. Мовароуннаҳрда миниатюра санъати. 10. Европада XVII-XVIII аср тасвирий санъати. 11. Ғарбий Европада XVIII-XIX аср тасвирий санъатнинг тараққиётидаги асосий йўналишлар. 12. XX асрда чет эл санъати тараққиётидаги асосий тенденциялар. 13. XX аср бошларидан мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари. 14. Мустақиллик йилларида ўзбек тасвирий санъатининг тараққиёти.

Рангтасвир тўғаракларида санъатшунослик асослари бўйича тўғарак раҳбари санъатининг кишилар ҳаётидаги аҳамияти, тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, амалий-безак санъати, меъморчилик санъатига доир маълумотлар ҳам беради. Санъатшунослик юзасидан олиб бориладиган ишларни имкони борича амалий машғулотлар билан боғлаб олиб борилиши самаралидир. Шунга қарамасдан, тўғарак машғулотларидан ташқари вилоятларда болаларни музейларга, кўرғазмаларга, рассомларнинг устахоналарига олиб борилиши, болаларнинг тасвирий-иждодий ишлари танлови ва кўрғазмаларини ўтказишни ниҳоятда зарур. Машғулотларни санъат асарларининг репродукциялари, слайд ва диапозитивлари, диафильм

ва кинофильмлар, видеофильмлар намоиш этиш орқали ўтказилиши катта фойда беради.

Шунингдек, болалар санъат асарларининг репродукциялари ва откриткаларини, рассом, ҳайкалтарошлар ҳақида материаллар тўплашга одатлантириш яхши натижалар беради. Тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари рассом ва ҳайкалтарошлар ҳақида альбом тайёрлашлари мумкин. Бу иш уларни санъатга қизиқишини оширишда, бадиий фикр доирасини кенгайтиришда, бадиий тафаккурини ўстиришда катта ёрдам беради.

Ўрганиладиган мавзунинг мақсади ва вазифалари, мазмунига қараб машғулотлар расм ишлаш, маъруза, суҳбат, сунозара, семинар, иншо ёзиш, ёрдамида ўтказилади.

Имкони борича амалий ишларни турли ўқув қуроллари ва бадиий, табиий материаллар ёрдамида турли тасвирлаш техникаси билан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий материаллар ҳисобланган акварел, гуашь, соус, пастел, сангина, уғол, рангли қоғозлар, фальга, тушь, табиий материаллардан-барглар, гуллар, мева ва сабзавот уруғлари, рангли тошлар, чиғаноқлар, қуш патлари шулар жумласидандир. Бундай материаллар билан ишлаш машғулотларни турли туман ва қизиқарли бўлишлигини таъминлайди.

Тўғарак машғулотларига хос бўлган жиҳатлардан яна бири бу расм ишланадиган қоғоз формати, ўлчови, шаклини, рангининг турлича бўлишлигидир ва улар мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда танланади.

Тўғарак машғулотлари учун мавзу танлашда ўқитувчи ўзидаги мавжуд шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг қизиқишлари, фаолият турларининг такрорланмаслиги ва аксинча турли-туман бўлишлигига эътиборни қаратмоғи даркор.

Тасвирий санъатдан амалий ишларга ажратилган вақт ҳам топшириқларнинг вазифаси ва иш мазмунига қараб турлича бўлади. Хусусан,

қоралама ва рангламалар 5-15 дақиқада, ўқув топшириқлари 2-5 соат ҳажмда, плейнардаги ҳар бир иш 15 дақиқадан 1 соатгача бўлиши мумкин.

Санъат тарихига доир тўғарак машғулотларида ўқитувчи ўзбек машҳур санъатининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти, жаҳонга машҳур ўзбек рассомлари ва усталари, ўзбек тасвирий ва амалий-безак санъати усталарининг юксак бадиий савияда яратган асарлари жаҳоннинг йирик ва машҳур музейларидан ўрин олганлиги ҳамда ўзбек халқи бундан фахрланиши ҳақида сўзлаб бериши лозим. Афросиёб, Вараҳша, Айртом, Халчаёнда ва бошқа ер остидан топилган шаҳарлар ва уйлар деворларига ишланган деворий расмлар, шунингдек ҳайкаллар фотс нусхаларини намойиш этиш ва Шарқ уйғониш даврида Мовароуннахр миниатюра санъати, Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган тенги йўқ асарлар, IX-XV асрларда Ўзбекистон меъморчилигининг ноёб асарлари ҳақида маълумот бериш болаларда санъатга бўлган қизиқишларини оширади.

Мактабда тасвирий ва амалий санъатдан ўтказиладиган кечалар ўқувчиларни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, у ёшларни санъатга бўлган қизиқишларини оширади, бадиий фикр доирасини кенгайтиради. Кечалар ўз мазмунига кўра бир қатор санъат турларини мужассам этади. Хусусан, унда тасвирий санъатдан ташқари, мусиқа санъати, адабиёт, хореография санъати, цирк санъати, театр санъатлари иштирок этиши мумкин. Шу билан вакилларининг иштирок этиши кечани катта кўтаринкилик билан ўтишига имкон беради. Ташкилотчиларнинг тадбирга маъсулиятини оширади. Кечани ўтказганда мактабдаги мусиқа, уйин, драма тўғаракларининг ҳамқорлиги яхши натижалар беради.

Кечанинг мавзуси ниҳоятда қизиқарли бўлиши лозим. Масалан, машҳур рассом ёки амалий санъат устасининг таваллуди муносабати билан, йил фасллари, маълум бир мамлакат ёки давр санъатига бағишланади. Кеча учун

мавзу танланганда унинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксаклиги аҳамиятлилиги ҳисобга олинади. Санъатимизнинг ёрқин юлдузлари Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи Рембрант Ван Рейн, Илья Репин, Чингиз Ахмаров каби рассомлар, Уста Ширин Мурадов, ота Полвонов каби халқ амалий санъати усталарининг ҳаёти ва ижоди, шунингдек "Шарқ минтақа мактаблари", "Мустақиллик санъатда Ўзбекистон кузи", "Монна Лиза Жаконда сири" "Мустақиллик ва Ўзбекистон тасвирий санъат" кечалар учун яхши мавзулар бўлиши мумкин.

Кечани ўтказишда мактаб тасвирий санъат тўғараги аъзолари асосий рол ўйнайдилар. Унга туман, шаҳар, вилоятдаги таниқли рассомлар, хомийларнинг ёрдамини ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга кечани ўтказишда мактабнинг мусиқа, адабиёт, меҳнат ўқитувчилари ва тўғарак аъзолари иштирок этишлари самаралидир. Улар кечада кўшиқлар, куйлар, шеърлар, спектакллардан парчалар, сахнани ёруғлантириш, стендлар ва тайёрлаш ишлари билан шуғулланадилар. Кечани юқори бадиий ва ташкилий савияда ўтказиш учун техника воситаларидан фойдаланиш, кинофильмлар намойиш этиш, кеча мавзуси билан боғлиқ ҳолда кўргазма-танлов, викториналар ташкил этса бўлади. Шунингдан чикармаслик лозимки, кечани ўтказишдан анча аввал мактаб маъмурияти иштирокида уни тайёрлаш учун ҳайъат тузилади. Унга кеча ўтказиш билан алоқадор бўлган барча шахслар киритилади, кеча сценарийси ва иш режаси тузилиб муҳокама этилади. Вақти-вақти билан тайёргарлик ишлари ҳайъат йиғилишида эшититилиб турилади.

Тўғарак машғулотларида кенг урин берилади ва уларни тўғарак раҳбари, тўғарак аъзолари билан борлиқда ўтказадилар. Бундай тадбирлар машғулотлар билан боғлиқ ҳолда ҳам, машғулотдан ташқари вақтларда ҳам мустақил равишда ўтказилади. Улар тўғарак раҳбари томонидан у ёки бу мавзунини чуқурроқ ўргатишни мақсад қилиб қўйганида ёки мавзу болалар томонидан яхши ўзлаштирмай қолган тақдирда ташкил этилади.

Улар рассом, ҳалқ амалий санъати устасининг ҳаёти ва ижоди, маълум бир давр санъати, санътининг бирон бир оқими, санъатнинг тур ва жанрлари, биронта мамлакат санъати, тасвирий санъатда меҳнат, спорт, буюк шахслар, экология, оналик ва болалик санъат асарларини идрок этиш каби мавзуларга бағишланган бўлиши мумкин. Бундай суҳбатлар мазмуни қизиқарли бўлишлиги билан бир қаторда болаларнинг фаол иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда санъат асарларининг репродукциялари, слайд ва диаморитавлери, диафильмлар техника воситаларида намойиш этилиши самаралидир. Суҳбатлар болаларнинг ёши ва синфига қараб 45 минутдан ошмаганлиги маъқул. Суҳбатлар маъруза шаклида бўлиб таниқли санъатшунослар, рассомлар, тасвирий санъат ўқитувчисининг ўзи, тўғаракнинг етакчи аъзолари томонидан олиб борилиши мумкин. Суҳбатга вилоят давлат университетининг ўқитувчилари, вилоят ўлкашунослик музейининг санъатшуносликдан ходимларини ҳам жалб қилса ҳам бўлади. Суҳбатларга маърузачи аввалдан тайёргарлик кўриб боради, унинг режаси тайёрланади, мактаб тасвирий санъат ўқитувчиси билан келишган ҳолда маъруза матни ва намойиш этиладиган иллюстратов материалларни белгилаб олади.

Маърузачига қўшимча равишда тўғарак аъзоларидан биронтасини ёки тасвирий санъат ўқитувчисининг ўзи тайинланиши мумкин. Маърузалар барча синфларда Машғулотдан сўнг ёки тарбиявий соатларда болаларнинг ёшини ҳисобга олиб, тор ёки кенг ҳажмда, оддий ёки мураккаб тарзда ўтказилади. Суҳбат 20-45 дақиқа атрофида бўлган маъқул.

Суҳбатлар учун "Шарқ миниатюра мактаблари", "Европада уйғониш даври тасвирий санъати", "Мустақиллик ва Ўзбекистон тасвирий санъатда хотин-қизлар образи", "Спорт ва тасвирий санъат", "Тасвирий санъатда йил фасллариининг ифодаланиши", "Ўзбекистон худудига энг қадимги тасвирий санъат", "Тасвирий санъатдаги оқим ва йўналишлар", "Тасвирий санъатда анимал жанр (манзара, портрет, натюрморт, турмуш, батил, тарихий, марина,

афсонавий)" "Камолиддин Бехзод буюк наққош ва мусаввир", "Леонардо да Винчи", "Монна Лиза Жокаиданинг сирлари", К.Броюловнинг "Помнитнинг сўнги куни" асари тарихи", "Ўзбекистон тасвирий санъат музейи" "Қадимги миср санъати", "Қадимги Юнонистик ҳайкалтарошлик" каби мавзулар танланиши мумкин. Шу каби безакли амалий санъатга доир унинг турлари, усталарининг ҳаёти ва ижодига доир маърузалар самаралидир.

## **1.2. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Бехзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништиришнинг мазмун ва моҳияти**

Камолиддин Бехзод тахминан 1455 йилда Ҳиротда камбағал, ҳунарманд оиласида таваллуд топган. Бехзод унинг исми ёки тахаллуси эканлиги номаълум. Бехзод ота-онасидан жуда эрта ажралади, уни Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, вояга етказди ва ўзининг Ҳиротдаги “Нигористони”да (Санъат академиясида) унга наққошлик ҳунарини ўргатди. Бундай машҳур рассомнинг қарамоғида ўсиб улғайишнинг ўзи Бехзоднинг келажакда буюк санъаткор бўлиб етишишига замин яратган бўлишлиги мумкин. Шунингдек, Бехзоднинг мохир санъаткор бўлиб етишувида яна ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бир талай етук рассомлар, ҳаттолар, мусикашуносларни бирлаштириб турган Санъат академияси ҳам катта роль ўйнаган.

Бехзоднинг дастлабки ижоди Султон Ҳусайн Байқаро саройида ва у ердаги жуда кўп шоир, олим, санъаткорларнинг ҳомийси Мир Алишер Навоий раҳнамолигида бошланади. У Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий, Ҳиротдаги ҳаттотлар устози Султон Али Машҳадий билан яқин алоқада бўлиб, ижод қилади. Санъат ва нафосат иштиёқи кучли бўлган Бехзод меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли Ҳиротда машҳур мўъжаз рангтасвир устаси бўлиб етишди. Шундан сўнг подшо Султон Ҳусайн Байқаро Бехзодни ўз ҳузурига-саройга жалб қилади ва унга махсус жой ажратиб, ижодий ишларига ҳамма шароитларни яратиб беради. 1487 йилда Камолиддин Бехзод подшонинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Шоҳ фармонида шундай дейилган эди: “Ижод яратиш корхонаси мусаввирнинг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирнинг қудрати билан. ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси. устоз Камолддин Бехзод Хумоюн кутубхонаси аҳлига: китоб, наққош, музаҳҳаб, жадвалкаш, халкор ва заркубларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Оллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоасига бошчилик мансаби топширилсин”. Таҳрир этилди: 884 хижрий йил 27-жумадул-ул аввал (1487 й. 22 июль).

1506 йилда Ҳусайн Байқаро вафотидан сўнг тахт кўчманчи ўзбек қабилаларининг хони Шайбонийхон кўлига ўтди. Шайбонийхон ҳам Бехзод ижодига ҳурмат билан қараб, унга тегишли шароитлар яратиб беради. 1510 йилда Эрон Сафавийлар салтанати Шайбонийхонга қарши уруш очиб, уни

енгади. Шайбонийхон жангда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йилда Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни ўзи билан Ҳиротдан Табризга олиб кетади. Улар орасида Камолддин Бехзод ва унинг бир қатор шогирдлари ҳам бор эди.

Бу ерда Бехзод ўзининг шогирдлари билан мўъжаз рангтасвирининг йирик мактабини яратди. 1514 йилда турк подшоҳи Эронга ҳужум қилади. Уларнинг қўли баланд келишини билган Эрон шоҳи Исмоил Камолиддин Бехзод ва машҳур ҳаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурийни турклар олиб кетиб қолишидан хавфсираб, уларни бир ғорга яшириб қўйишга фармон беради. 1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий махсус фармон билан Бехзодни Табриздаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинлайди.

Бехзод ўз асарларининг кўп қисмини ўз она юрти-Ҳиротдан узоқда, яъни Табризда яратди. Эрондаги жангу жадаллар, алғов-далғов ва ур-йиқитлар Бехзоднинг ўз устозлари ва яқин дўстларидан узоқда яшаши унинг, ҳаёти ва ижодига салбий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам мусаввир “Туялар жанги” номли асарини яратганда унинг бир чеккасига “қаламишикаста, номурод, фақир Бехзод умри 70 дан ошганда ушбу ишга қўл урди”, деб ғам-андух билан имзо чеккан эди. Шунга қарамасдан Бехзод Эронда кечирган ғам-андух, ғурбат-азоблари олдида, чекинмади, нафосат ва гўзаллик оламига, табиат, жамият ва инсонга бўлган кучли муҳаббат, уни ижодга бўлган жўшқин иштиёқни доимо илгари етаклади.

Камолиддин Бехзоднинг “Ҳусайн Байқаро” ва “Шайбонийхон” сувратлари мусаввир ижодида муҳим ўрин тутди. Унда Ҳиротда Султони Ҳусайн Байқаро шоҳларга хос қиёфада, унинг салобати билан чўккалаб ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг кенг елкали гавдаси, қийиқ кўзи, япалок юзи, шоҳона либослари шундай ҳаққоний ва усталик билан ишланганки, унинг гавда тузилишидаги ўлчов нисбатлари, кийим-кечакларни кўриб, ХУИ асрда бундай истеъдодли рассом бўлганлигидан ҳайратланса киши. Суратнинг тагига “Тасвири Султон Ҳусайн Мирзо –Бехзод”, ундан ҳам қуйироқда “Ал-фақир Бехзод” деган сўзлар ҳам ёзилган.

Бехзоднинг “Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат” номли асарида оқшом пайтида гўзал боғ ичидаги зиёфат акс эттирилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аёнлари билан панжаралар билан ўралган катта супа устида ўтирибди. Суратнинг юқори ўнг бурчагида хизматкорлар май қуйиш билан овора, у ерда шарбат солинадиган хумлар, кўзачалар бор.

Эшик олдидаги оқ рўмолли хабаш хизматкорлар елкаларидаги обкаш билан хумчаларда шарбат ташимоқдалар.

Бошида сават кўтариб олган яна бир хабаш хизматкор мева-чеваларни супа томон элитмоқда. Унинг олдида хум кўтариб, супа томон кетаётган яна бир хизматкор тасвирланган. Суратнинг паст ва чап томонида сарой ходимларидан учтаси маст ҳолда акс эттирилган. Ўртада икки киши қадаҳларга шароб қуйишмоқда. Хуллас, саройда шоҳлар турмушига хос бўлган ходиса тасвирланганки, мусаввир уни ҳам композицион, ҳам ранг, ҳам мазмун, ҳам бадиийлик жиҳатдан моҳирона акс эттира олган.

Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарларидан яна бири “Самарқанддаги масжидда” (“Масжид қурилишида”) деб номланади. Бу асар Низомийнинг “Ҳамса” номли асарига ишланган бўлиб, ҳозирда Лондондаги миллий кутубхонада сақланади. Унда йирик масжид қурилиши акс этган. Бу асарда қурувчилар уч гуруҳга бўлиб тасвирланади. Биринчиси-энг юқорида акс этган ғишт терувчилар, иккинчиси-ўртадаги ёрдамчилар (материал етказиб берувчилар), учинчиси-тайёрловчи (ғишт ва тоштарошлардир). Сувратнинг юқори ва ўрта қисмидаги йўл-йўл саллалли, теша ва ғишт ушлаган киши уста тасвири бўлса керак. Сувратдаги қурилиш шундай бир муҳим биноки, уни қурувчилар зўр шижоат ва кўтаринкилик билан қуришмоқда. Мусаввир бунини билдириш учун уларнинг ҳаммасини ҳаракатда тасвирлаган, биронта ҳам дам олаётган ёки томошабин бўлиб турган бефарқ одам йўқ. Уларни қузатаётган назоратчи ҳам йўқ. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бино қурилишидаги кишилар қуллар эмас, ўз хоҳиши билан ишлаётган кишилардир.

Суврат бизга ҳалқимиз тарихи, унинг турмуш тарзи, меҳнати, кийимлари, меҳнат қуроллари (теша, чўкич, нарвон, бел, тоғора, арқон ва б.), қурилиш материаллари, бинолар тузилиши ҳақида айрим маълумотларни беради. Асар орқали мусаввир аجدодларимизнинг меҳнатга муносабати, ислом йўлидаги саъйи-ҳаракатларини ҳаққоний акс эттиради.

Беҳзод салкам бир аср ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ва ижоди Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамият касб этади. У ўз ижоди давомида Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулла, Рустам Али, Шайхзода Хурсоний, Шоҳ Музаффар, Мирсаид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби кўплаб шогирдлар тайёрлади. Камолиддин Беҳзод ижоди Ҳирот, Табриз,

Бухоро, Самарқанд, Шероз, Исфакон, Истамбул, Хиндистон мўъжаз рангтасвир мактаблари ривожига катта таъсир кўрсатди.

Камолиддин Беҳзоднинг ижодини Шарқ ва ғарбдаги кўпгина буюк кишилар юксак баҳолаганлар. Хусусан, уни “Шарқ Рафаэли” деб аташгани бежиз эмас.

Буюк тарихчи Хондамир “Хабиб-ус-суяр” номли асарида Камолиддин Беҳзод ҳақида шундай деб ёзган эди: “Камолиддин Беҳзод ажойиб ва ғаройиб сувратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби суврат чизувчи мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан бани одам ҳунармандлари тасвирларини махв қилувчидир..” Шайбонийхон, Васикий ва бошқалар, уни жонсиз нарсаси тасвирга жон бағишловчи мўйқалам соҳиби деб таърифлаганлар.

Беҳзод ижоди фақатгина XV-XVI асрлар Мовароуннаҳр маданий ҳаётида аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки бутун Шарқ, ҳаттоки Европада китоб графикасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. XVI асрда Европада босмаҳонанинг кашф этилиши китоб графикасининг ривож топишига имкон беради.

Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди таъсирида XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда (Мовароуннаҳрда) тасвирий санъатда кескин бурилиш рўй берди, олим ва санъаткорлар уни санъат тарихида Ўйғониш (Ренессанс) даври деб атадилар.

Беҳзоднинг асарлари юксак кадрланиб, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Франция, Германия, Миср каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида авайлаб сақланмоқда. Тошкентдаги миллий рассомчилик ва дизайн институти Камолиддин Беҳзод номига қўйилган. Тошкентда Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодига бағишланган музей бор.

## ***2.1. Тўғарак машгулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона тасвирий санъат услуби билан таништириш усуллари***

Моний мўйқаламга ўхшаш рассомлик мўйқалами бутун дунё Мусаввирларини унутишга мажбур қилади. Унинг ажойиб ва муъжизакор бармоқларини еса Одам Атонинг авлодлари орқасига барча рассомларнинг асарларини хирс қилиб қўяди. Соф ҳақиқатни ўзида мужассам етган замонимиз ажойиботи бўлган бу мусаввир ҳозирги пайтда бутун Дунё ҳукумдорларининг марҳаматига сазовор. Буюк рассомнинг замондошларидан бири бўлган Ҳиротлик тарихчи Хондамир ўзининг «Ҳабоб ус-сияр» асарида Беҳзод ҳақида ҳайратланиб ана шундай ёзган еди. «Рассомлар ҳақидаги машҳур рисоланинг муаллифи қози Ахмад мусаввир ҳақида!» қисқа бир вақт орасида Беҳзод шу даражада мохир мусаввир бўлиб етадики, ранг тасвир пайдо бўлгандан буён бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадиган йўқ еди, - деб ёзади. «Камолиддин Беҳзод замондош мўйқалам соҳиблари орасида енг яхши мусаввир ҳаттотларнинг бошлиғи ўз санъатининг чўққисига еришган улуклардан еди» - дейди бошқа бир замондоши. Рассом ва ҳаттот Дустмуҳаммад Беҳзоднинг шуҳрати Шарқнинг буюк миниатюрачиси бўлмиш шуҳрати нақадар баланд бўлганлигини курсатади.

Беҳзод қадимги Хуросоннинг катта шаҳарларидан бирида теурийлар пойтахти Ҳиротда 1455 йилда туғилади. Тарихий асарларда ёзилишича Беҳзод ота-онадан жуда ерта етим қолиб таниқли Ҳирот ҳаттоти ва рассоми Мирак наққош Хуросоний кўлида тарбия олди. Мирак наққош Хуросон ҳукумдори Султон Ҳусайн (1465-1506) саройида шоҳ кутубхонасининг бошқарувчиси китобдор вазифасида ишлади. Мирак наққош Беҳзоднинг устозларидан бири еди. Унинг миниатюра санъати бўйича устозларидан Яна бири бухоролик устоз Жаҳонгирнинг шогирди машҳур рассом пир Сайид Табризий бўлган. Унинг устодлари ўз заонмасининг машҳур рассомлари еди. Беҳзоднинг асарларидаги ўзига хос хусиятларидан устозларнинг таъсири

каттадир.

Султон Хусайн Байқаро замонида ҳиротда узининг рассомга бўлган ҳурмати аниқ билдириш мақсадида Шоҳ Исмоил 1522 йилда махсус буйруқ билан Беҳзодни Шоҳ кутубхонасининг бошлиғи китобдор қилиб тайинлайди.

Кексайиб саксонларга бориб қолган рассом ватанига қайтиб келгач, 1535 -36 йилларда Ҳиротда вафот этади. Унинг портретини Табризда яшаган рассом томонидан ишланган портрети сақланиб қолган. Унинг қомати бир мунча букчайган ҳолда тасвирланган. Беҳзод яратган асарларнинг аниқ бир ҳисоби йўқ. У яратган асарларда ҳаттоки имзо чекилмаган. Беҳзод ўз ишларида Шероз, Табриз ва Ҳирот миниатюра мактабларининг муваффақиятлари ажойиб равишда уйқунлаштирилади.

Рассом ўзининг ёшлик йилларида ишлаган илк асарларидаёқ ҳатти жиддий кузатувчи мохир санъаткор эканини кўрсатади. Беҳзод иллюстрация қилинадиган қўлёзмадан шунақа сюжетларни танлаб оладики, бу сюжетлар унингча ҳаётнинг турли лавҳаларини, мавжудотини доимо ҳаракатда эканини кўрсатиш лозим. Шунгача ва шундан кейинги даврларда яратилган композицияларда Беҳзод унча катта бўлмаган жуда кескин ҳаракат ва катта кенгликни ўзида мужассамлатирган миниатюраларни яратиш учун алоҳида бир усулни қўллайди, у фигураларни миниатюра рамкалари билан кесиб қўяди ва ушбу усул билан томошабиннинг ҳаётида ҳаракат давом этаётганининг тасаввурини туғдиради. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ишланган “Хива қалъасининг қамал қилиниши” номли асарида аниқ деталларни кўриш мумкин. Беҳзоднинг масжид қурилиши тасвирланаётган асарида еса ишларининг боришини кенг қўламда кўрсатиб берган. Бу миниатюраларга қараб туриб, одам иш жуда кизғин кетаётганини кўриш мумкин. Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида Фарход жасоратини қанчалик қўйланган бўлса, Беҳзод ҳам ўз миниатюраларида Ҳирот шаҳрини обод қилган номсиз усталар ва ҳунармандларни муҳаббат

билан тасвирлайди. Саъдийнинг шаҳри Ўрта Шарқда унга тенг келадиган шаҳар йўқ еди. Ҳирот шаҳри меъморчилигига масжидларнинг салобатлиги билан мадрасаларни, меҳмонхоналар, шифохоналар, ҳаммомларнинг барча қурилиш биноларининг аниқ қурилмалари уни беэаб турган нақшинкор кошнлари кишиларни ҳайратга солган. Бу ерда миниатюра ва ҳаттотлик асарларининг энг яхши намуналари ишланарди. Султон Ҳусайннинг замондошлари Жомий, Навоий, Мирхонд ва Хондамир чиройли ҳуснихат муаллифлари ҳаттот Султон Али, Машҳадий Камолиддин, Камолиддин Беҳзод ўша пайтларда Ҳиротнинг гултожлари едилар. Султон Ҳусайннинг ўзи ҳам шоир бўлиб, нафис санъатнинг нозик билимдони сифатида ижодкорларга хомийлик қиларди. Буюк Беҳзоднинг шаклланишида Навоий катта таъсир кўрсатади. Буюк устоз ўзининг машҳур мусаввирларига Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг марҳамати ва ғамхўрлиги туфайлигина еришди дейди тарихчи Хондамир. XV асрнинг 90 йилларида Султон Ҳусайн Байқаро Беҳзодни ўз кутубхонасига бошлиқ қилиб тайинлайди. У Шарқнинг буюк ёзувчиси ва шоирларининг асарларига миниатюра чизишни буюрар еди. Султон Ҳусайн ҳаттот ўз боғида Беҳзодга ижодхона қурдирган. Унинг ишидан завқланиш учун уни олдига тез-тез келиб турар еди. Бу билан дунёнинг ташвишларини бирмунча унутгандай бўларди. 1537 йилда Султон Ҳусайн вафот етди. Шайбонийхон Ҳиротни босиб олди. Беҳзод Ҳиротда қолиб ўз ижодини давом еттирди. Шайбонийхон ҳам билимдон ҳукмдор бўлиб рассомга алоҳида ёътибор беради ва унга ўз портретини чизишни буюради. Шайбонийхон халокатидан сўнг 1510 йил Ҳиротни шоҳ Исмоил босиб олади. Беҳзод бошқа бир ҳукмдор ҳаракатига ўтишга мажбур бўлади ва сафавийлар пойтахти Табризга боради. Шоҳ Исмоил Беҳзод ижодини юқори баҳолайди. 1514 йилда Чилдиран ёнидаги жангда муваффақиятсизликка учраган Шоҳ Исмоил қайтиб келиб уларнинг аҳволларини сўраттирган. Бўстон асарида машҳур Доро чўпон миниатюраси Навоийнинг инсонпарварлик қоялари таъсири остида яратилган. Бу

миниатюрада қояли тоғлар, баъзи жойлар буталар билан қопланган ям-яшил ўтлоқ, чўпонлар ва отлар ёрқин бўёқлар остида бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Бу асарида ҳам Бехзод байтал онасини емаётган тойчоқ ва қимиз қуяётган чўпон бола каби ҳаққоний ва ҳаётий лавҳаларни тасвирлайди. Айниқса, чўпон қомати жуда таъсирчан чиққан. Муаллиф ёки бош қахрамон «портрети» ички кечинмаларини тасвирловчи сахналар суҳбат мавзуси бериладиган бўлди. Авлиёлар, пайғамбарни тасвирлаш мавзулари чеклана борди. Жанг, ов саъналари васфий мавзуларга муносабат бир мунча ўзгаради. Мустакил пейзаж композициялари йўқолади. Кўп кишилиқ базм манзаралари кам фигурали соқийлар билан алмашинади. Янги композицион ечимлар, схемалар пайдо бўлади. Кейинги давр қўлёзмаларида миниатюранинг Ўрта аср услубига пала-партиш риоя қилиши ва персонажларнинг таркибий характеристикасига алоҳида - алоҳида урғу бериш сезилиб турилади. Ҳарактерли белги сифатида меъморий безак тарзида бобурийлар даври оқ мармар иншоотларидан нисбатан илгариги ёлғиз дарахт ёки пейзаж фонини ясси перспектив қисқартмаларсиз тасвирловчи Ерон Ўрта Осиё усулидан фойдаланишни таъкидлаш мумкин. Уларда Кашмир этник типик заргарлик тақинчоқларга бой миллий кийимда тасвирланиб яшил ва кўкимтир ранглар билан бирга норанжий ранг, қизил олтин рангларнинг муносиб уйқунлашувини кўрамиз. Кашмирча услубда ишланган Ўрта Осиё миниатюраларида унинг жиҳатлари композицион кўрилиш меъморий фон ифода етилади. Аммо этник типик ва колоритда муаян ўзгаришлар мавжуд. Соддалик фолклор расмлар унинг табиий ривож ва ички бузилиш жараёни сезилган классик миниатюрани қайта қурилиш натижасидир. Бадиий безатилган Шарқ қўлёзма китоблари, Китобат санъати ҳам илмий - тарихий, ҳам бадиий - эстетик, ҳам маънавий - маърифий қиймати билан умумжаҳон маданияти хазинаси билан ноёб санъат асарлари сифатида муносиб ўрин егаллаган. Ушбу санъатнинг таркибий қисми, Шарқ халқларининг муштарак бадиий мероси ва ифтихори бўлмиш миниатюра санъати кўп йиллар

мабайнида асосан шарқшунослар, этнографлар, санъатшунослар, филологлар ва тарихчиларнинг диққат марказида бўлиб келди. Умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ўқув тарбиявий муассасалари, қолаверса ўрта ва олий санъат ўқув юртларининг бу санъат турининг тарбиявий имкониятлари педагогик жараёнда тўлақонли фойдаланилмади. Зеро, ёш авлодни бу санъат турига жалб этиш кўпгина ўқув тарбиявий муаммоларни ижобий ҳал этиш имкониятларини очиб беради. Чунончи, Шарқ миниатюра санъатининг етук тасвирий санъат тури сифатида унинг мазмуни, қоясини бадиий естетик идрок этиш жараёнида уларда тасвирланган ижтимоий ҳаёт, тарихий эволюциялар, персонажларнинг ички дунёси, адабий асар миниатюра муаллифларини акс еттираётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ифодаланган ўзларининг фалсафий мулоҳазалари, қарашлари, бу воқеа ва ҳодисалардаги этник хусусиятларни англаб этиш, баҳо бериш ва улар асосида ўз муносабатларини амалий, тасвирий кўринишда ифодалаш муҳим аҳамият касб этади. Бу масаланинг бир томони. Яна бир Муҳим масала - ўқувчиларга Шарқ миниатюра санъатининг жаҳон маданиятида тутган ўрни, Шарқ миниатюра мактаблари ва марказлари, уларда мавжуд бўлган бадиий умумийлик ва тафовутларнинг сабаблари, бу мактабларни забардаст вакиллари ҳақида маълумотга ега бўладилар. Шунингдек, Шарқ миниатюра санъатининг мустақил санъат тури сифатида шаклланиш тарихи, унинг санъатнинг бошқа турлари, хусусан адабиёт билан боғлиқлиги, ҳар бир асардаги тараққиёт даражаларини шу замонни ижтимоий - сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқлиги ҳақида маълумотга ега бўладилар. Шарқ миниатюри санъатини ўрганиш, айниқса унинг тасвирий усуллари акс еттирилган тасвирий лавҳаларда миллий ҳарактердаги қарашларни қўллаш усулларида боҳабар бўлиш билан бир қаторда уларни турлаштириш принциплари билан ҳам таниш бўладилар. Масалан, ўрганиладиган асар персонажларининг ўрганиш жараёни тўғрақ қатнашчилари учун самарали бўлади. Фақат Шарқ миниатюраларидаги

қахрамонларнинг ўрганиш жараёни қатор тарбиявий – педагогик масалаларнинг ечимини очиб бериш ва ҳал этиш имконини беради. Жумладан, бу жараёнда ўқувчилар Шарқ миниатюра санъатидаги ўзига хос тасвирий усуллардан ташқари тасвирланган персонажларнинг либосларини ўрганиш орқали илмий ва бадиий аҳамият касб етувчи тарихий сана ва воқеалардан воқиф бўладилар, персонажларнинг табақаси, ёш категорияси ҳамда касби-кори тўғрисида тасаввур оладилар. Ниҳоят, ўқувчилар ўзларининг ижодий ишларида тасвирлашда миниатюра жанрида ижод қилаётган замондош рассомларининг асарлари билан тарихий асарларни қиёсий ўрганиш жараёнида бадиий анъаналарни идрок этиш ва бу анъаналарни ҳозирги халқ санъатида давом еттирилиши тўғрисида назарий ва амалий таассуротларга ега бўладилар. Худди шу тамойил асосида Шарқ миниатюра санъатида ўз ифодасини топган бадиий наққошлик ва ганчкорлик намуналари, айниқса саройлар, қабулхоналар, истиқомат қиладиган жойларнинг, интерйерларини безашда шарқона меъморчиликдаги анъаналарини қўлланиш хусусида маълумотни бойитадилар. Шарқ миниатюра санъатида Камолиддин Бехзод ва унинг такрорланмас бадиий тасвирий маҳорат мактаби санъатдаги камолот намунаси бўлган бўлса, Темурийлар даври илм - фани, айниқса адабиётга миниатюра санъати юксакликка еришди. Умуман илм - фан ва маданиятнинг олтин асри бўлиб тарихга кирди. Миниатюра санъати асарларини идрок этишда унинг функционал вазифалари бадиий безатилган қўлёзма асарларининг таркибий қисми, ажралмас бадиий – график елементи сифатида қараш лозим. Бундай ёндашиш ўқувчиларнинг бу дурдона санъатдаги синтезни илғаш, уларнинг ҳамоҳанглигини таъминловчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Жумладан, сўз билан тасвир бирлигидаги бадиий матн ва бадиий тасвир синтези, бадиий безатилган қўлёзма асарларини яратилишида турли касб егалари - ҳаттот, наққош, музаҳҳиб, ловвоҳ ва мусаввирларнинг ижодий ҳамкорлигининг самарали юксак бадиий кийматга ега бўлган,

бадий жихатдан мукаммал безатилган қўлёзма асарларини яратилишини асосий замини еканлиги ҳақида таассуротга ега бўладилар. Масалага шу тариқа ёндашиш ҳаттотлик бадий наққошлик каби миниатюра санъатига алоқадор бўлган санъат турларидан алоҳида машғулотлар ўтказиш имконини берилди.

Шарқ миниатюра санъатини умумтаълим мактаблари шароитида ўрганишга қаратилган ва унда юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш қуйидаги асосий педагогик муаммоларни ечиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Чунончи, санъат воситасида ўқувчилар онгига Шарқона фалсафий дунёқараш, ахлоқ меъёрларини сингдириш, миниатюра санъатининг ривожланиш босқичларини ўрганиш орқали халқимизнинг маданий тарихини, бадий анъаналарини ўзлаштириш, Шарқона бадий - тасвирий камолот борасидаги билим ва малакаларини ошириш йўли билан ўқувчиларнинг бадий тафаккурини ривожлантириш имконини яратиши зарур.

## ***2.2. Таҷриба–синов ишлари ва уни ўтказиш методикаси***

Танлаб олинган мавзу юзасидан таҷриба синов ишлари асосан тўғарак машғулотларида олиб борилди. Биз асосан таҷриба майдончаси қилиб, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 9 – умумтаълим мактабини танлаб олдик. Олиб борилган таҷриба синов натижалари шуни кўрсатдики, тасвирий санъатдан мактабларда тўғарак машғулотларининг ўтилиш ҳолати унчалик ҳам талабга жавоб бермайди. Чунки тўғаракларда ҳали ҳам эскича усуллар ва услублардан фойдаланилиб келинмоқда. Тўғарак машғулотларига ўқувчиларни кўпроқ жалб қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак деган фикрга келдик: Машҳур санъат намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбатлар ўтказиш, фильмлар намойиш этиш, альбомлар тайёрлатиш, озгина бўлса ҳам болаларнинг эришган ютуқларини қайд қилиш ва рағбатлантириш, уларнинг ишларини тўғарак машғулотидаги барча ўқувчиларга намойиш этиш, қизиқарли бўлган санъат асарлари ҳақида суҳбат ва мунозаралар ўтказиш, муваффақиятга эришган ўқувчиларнинг ишларидан кўргазмалар ташкил этиш, уларнинг ишларини туман, шаҳар, вилоят кўргазмаларига тавсия этиш, ҳар бир машғулотда ўқитувчи болаларга янги билим, тушунча ва малакалар бериш, тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларини ўйин мусобақа тарзида ташкил этиш (викторина, кросворд, чайнворд ечиш), болаларнинг тасвирий ижоди учун кўпроқ уларни қизиқтирган мавзуларни тавсия этиш. Айниқса эртақлар, ҳикоялар асосида, мультипликация фильмлар асосида, денгиз тубига ва бошқа планеталарга саёҳат асосидаги мавзуларда расм чиздириш, болаларнинг тасвирий фаолиятлари учун маълум миқдорда эркинлик бериш. Бунда кўпроқ ўқувчиларни қизиқтирадиган мавзулар назарда тутилади. Хусусан, улар қуш ва ҳайвонлар ҳаётидан олинган мавзулардир. Спорт мавзулари, касб-корга доир мавзулар, жанг мавзулари, афсонавий мавзулари бўлиши ҳам мумкин, машғулотда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш орқали машғулот ўтиш. Бунда болаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим. Берилаётган муаммоли

топшириқлар болаларни зўриқтирмаслиги ва қийнаб қўймаслиги лозим. Шундагина тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мумкин.

Бундан ташқари олиб борилган тажриба синов ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, тасвирий санъатдан тўғарак машғулотларининг ишланмалари замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилса янада юксак натижага эришиш мумкин.

Юқоридаги фикр – мулоҳазалардан келиб чиқиб биз, тажриба синов ишларимизда фойдаланган замонавий педагогик технологиялар асосида ёзилган бир соатлик машғулот ишланмасидан намуна келтирамиз.

**Машғулотнинг мавзуси:** Камолиддин Бехзод – Шарқнинг буюк мусаввири.

**Машғулотнинг мақсадлари:**

**Таълимий мақсад:** Ўқувчиларни Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижоди билан таништириш

**Тарбиявий мақсад:** Мўъжаз санъат асарларини идрок этишга ўргатиш орқали эстетик руҳда тарбиялаш

**Ривожлантирувчи мақсад:** Санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

**Машғулотнинг жихозланиши:** Муаллифи номаълум бўлган “Камолиддин Бехзод портрети”. Камолиддин Бехзоднинг “Ҳусайн Бойқаро”, “Муҳаммад Шайбонийхон”, “Самақанддаги масжидда”, “Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат”, “Масжид ичидаги мунозара” асарлари нусхалари.

**Машғулот тури:** Назарий

**Машғулотнинг боғланиши:** Машғулот тарих ва адабиёт Машғулотлари билан боғланади.

**Машғулотнинг режаси:**

а) Саломлашиш;

- b) Давоматни аниқлаш;
- c) Хона тозалигини кузатиш;
- d) Уйга вазифани текшириш;
- e) Янги мавзунини баёни;
- f) Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш;
- g) Синф ишини таҳлили;
- h) Уйга вазифа бериш;
- i) Машғулотни якунлаш

#### **Машғулотнинг бориши:**

**Ташкилий давр:** Синф хонасини машғулотга ҳозирлаш.  
Ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини назоратдан ўтказиш.

#### **Уй вазифани кўриш ва баҳолаш:**

4-6 ўқувчининг уй иши таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Таҳлил учун тахминий саволлар:

1. Бу ишни ким бажарган?
2. Иш уйга берилган вазифа асосида бажарилганми?
3. Бу иш сизларга ёқадими?
4. Расм яхши ишланганми?
5. Расмда қандай камчиликлар бор?
6. Расмни қайси ўринлари яхши ишланган?
7. Расмни қандай баҳолаймиз? кабилар.

**Янги мавзунини баёни:** Ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилгач, доскага исми-шарифи номаълум мусаввир (ҳар қалай Беҳзоднинг шогирдларидан бири) томонидан ишланган “Беҳзод” тасвирини, илиб кўяди. Бу суратларни кимлар кўрганлиги, унинг муаллифлари ҳақида гапириб,

Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот боришга киришади.

Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ҳақидаги суҳбатдан сўнг ўқитувчи унинг ишлари ва шогирдлар ҳақида тўхталади. Беҳзод ижоди ҳақида гапирганда, унинг юздан ортиқ асарлар яратгани ва бу асарлардан бир нечтасини эслаб ўтади. Машғулотда таҳлил қилиш учун унинг “Ҳусайн Бойқаро”, “Муҳаммад Шайбонийхон” портретларини, “Султон Ҳусайн Мирзо хузурида зиёфат”, “Масжид ичидаги мунозара”, “Сахродаги Мажнун” асарларини биргаликда таҳлил қилади. Таҳлилда болаларга тахминан қуйидагича мазмунда саволлар беради:

Суратда қандай воқеа тасвирланган? Уни қандай билиш мумкин? мусаввир сурат орқали нима демоқчи? Сурат композиция ва ранглари ҳақида қандай фикрдасиз? Суратни яна қандай номлаш мумкин?

Шу тартибда ҳар бир сурат таҳлил қилинади. Сўнгра болалар жавобларини ўқитувчи умумлаштиради, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.

Қуйида Камолиддин Беҳзоднинг қисқача ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. У тахминан 1455 йилда Ҳиротда камбағал ҳунарманд оиласида таваллуд топган. беҳзод унинг исмини ёки тахаллусини экандиги номаълум. Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралади. Уни Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, вояга етказди ва ўзининг Ҳиротлаги “Нигористон”ида (санъат академияси) да унга наққошлик ҳунарини ўргатади. Бундай машҳур буюк рассомнинг қарамоғида бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлган, деб айтиш мумкин. Шунингдек, Беҳзоднинг моҳир санъаткор бўлиб етишувида ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бир талай етук рассомлар, хатотлар, мусиқашуносликларни бирлаштириб турган санъат академияси ҳам катта роль ўйнаган.

Беҳзоднинг дастлабкаи ижоди Султон Ҳусайн Бойқаро саройида ва у ердаги жуда кўп шоир, олим, санъаткорларнинг ҳомийси Амир Алишер

Навоий раҳнамолигида бошланади. У Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий, Ҳиротдаги ҳаттотлар устози Султон Али Машҳадий билан яқин алоқада бўлиб, ижод қилади. Санъат ва нафосатга иштиёқи кучли бўлган Бехзод меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли Ҳиротда машҳур мўъжаз санъат устаси бўлиб етишди. Шундан сўнг подшо Султон Ҳусайн Бойқаро Бехзодни ўз ҳузурига- саройга жалб қилади ва саройда унга махсус жой ажратиб, унинг ижодий ишларига ҳамма шароитларни яратиб беради. 1487 йилда Камолиддин Бехзод подшонинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Шох фармонида шундай дейилган эди: “Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирнинг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирнинг қудрати билан ...хукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси...устод Камолиддин Бехзод Хумоюн кутубхонаси ахлига: котиб, наққош, музаххаб, жадвалкаш, ҳалкор ва заркўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Оллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоасига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди: 884-хижри йил 27-жума-ул аввал (1487 йил 22 июл).

1506 йилда Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг тахт кўчманчи ўзбек қабилаларининг хони Шайбонийхон қўлига ўтади. Шайбонихон ҳам Бехзод ижодига ҳурмат билан қараб, унга тегишли шароитлар яратиб беради. 1510 йилда Эроннинг Сафавийлар салтанати Шайбонийхонга қарши уруш очиб, уни енгади. Шайбонийхон жангда ҳалок бўлади. Шох Исмоил Сафавий 1512 йилда Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни ўзи билан Ҳиротдан Табризга олиб кетади. Улар орасида Камолиддин Бехзод ва унинг бир қатор шогирдлари ҳам бор эди.

Бу ерда Бехзод ўзининг шогирдлари билан мўъжаз санъатнинг йирик мактабини яратди. 1514 йилда турк подшоси Эронга хужум қилади. Уларнинг қўли баланд келишини билган Эрон шоҳи Исмоил Камолиддин Бехзод ва машҳур ҳаттот Шох Махмуд Нишопурийни турклар олиб кетиб

қолишларидан хавфсираб, уларни бир ғорга яшириб қўйишга фармон беради. 1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафоний махсус фармон билан Беҳзод Табриздаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Беҳзод ўз асарларининг кўп қисмини ўз она юрти- Ҳиротдан узоқда, яъни Табризда яратди, Эрондаги жангу жадаллар, алғов-далғов ва ур-йиқитлар Беҳзоднинг ўз устовлари ва яқин дўстларидан узоқда яшаши, унинг ҳаёти ва ижодига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мусаввир “Туялар жанги” номли асарини яратганда унинг бир чеккасига “Қалами шикаста, норол, фақир Беҳзод умри 70 дан ошганда уш ишга қўл урди”, деб ғам-андух билан имзо чеккан эди. шунга қарамасдан Беҳзод Эронда кечирган оламига, табиат, жамият ва инсонга бўлган кучли муҳаббат, ижодга бўлган жўшқин иштиёқ доимо илгари етаклади.

Камолиддин Беҳзоднинг “Ҳусайн Бойқаро” сурати мусаввир ижодида муҳим ўрин тутди. Унда Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаро шоҳларга хос киёфада, ўзининг салобати билан чўққалаб ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг кенг елкали гавдаси, қийиқ кўзи, япалоқ юзи, шаҳона либослари шундай ҳаққоний ва усталик билан ишланганки, унинг гавда тузилишидаги ўлчов нисбатлари, кийим-кечакларни кўриб, XVI асрда бундай истеъдодли рассом бўлганлигидан ҳайратланасан киши. Суратнинг тагига «Тасвири сулоти Ҳусайн Мирзо-Беҳзод», ундан ҳам қуйида «Ал-фақир Беҳзод» деган сўзлар ҳам ёзилган.

Суратда Ҳусайн Бойқаро зўр маҳорат билан ишланганлик, унинг юзи ўта таъсирчан, ундан шоҳнинг бутун қалбини, бой ички дунёсини билиб олиш мумкин.

Мусаввирнинг «Муҳаммад Шайбонийхон» тасвири ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, Шайбонийхон 1507 йилда теурийлардан Ҳирот тахтини тортиб олган шоҳлардандир. Унинг Беҳзод ишлаган сурати энг нодир ва муваффақиятли ишларидан ҳисобланади. У суратда чордона куриб,

икки қўлини тиззасига қўйган ҳолда ўйчан ва маънодор нигоҳ ташлаб ўтирибди. Бу ҳолат унинг салобатлиги гавдаси, шоҳларга хос кўринишини билдиради. Шоҳ кийимлари оддий (ранглари яшил, тўқ зангори, қизил) семиз ва зуваласи пишиқ, ҳийла қорин қўйган, кўзлари қисикроқ, чўққисоқол кўринишда тасвирланган. Бу тасвирда унинг кучли ирода эгаси эканлиги, тожу тахт учун жон-жаҳли билан курашувчи саркарда эканлиги кўриниб турибди. Унинг олдида сиёҳдон, китоб, қалам, қамиш (қамчи) кабиларни тасвирлашда ҳам рамзий маъно бор. Сиёҳ, қалам, китоб маърифат ва маданият тимсоли бўлса, қамчи эса беаёв, қаттиққўл ҳукмдор эканлигини билдиради. Қизил ранг жангу жадаллар, яшил ранг ислом байроғи тимсолини билдиради.

Суратнинг ўнг юқори бурчагида «Сурати Шойбонийхон» ва чап юқори томонида эса «Ал-абад Беҳзод» деб ёзилган.

Беҳзоднинг «Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат» номли асарида оқшом пайтида гўзал боғ ичидаги зиёфат акс эттирилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аёнлари билан панжаралар билан ўралган катта супа устида ўтирибди. Суратнинг юқори ўнг бурчагида хизматкорлар май куйиш билан овора, у ерда шарбат солинадиган хумлар, кўзачалар бор. Эшик олдида оқ рўмолли хабаш хизматкорлар елкаларидаги обкаш билан хумчаларда шарбат ташимокдалар.

Пастда бошда сават кўтариб олган яна бир хабаш хизматкор мева-чеваларни супа томон элтмокда. Унинг олдида хум кўтариб, супа томон кетаётган яна бир хизматкор тасвирланган. Суратнинг паст ва чап томонида сарой ходимларидан учтаси маст ҳолда акс эттирилган. Ўртада икки киши қадаҳларга шароб қуйишмокда. Хуллас, сарой шоҳлар турмушига хос бўлган ходиса тасвирланганки, мусаввир уни ҳам композиция, ҳам ранг, ҳам мазмун, ҳам бадиийлик жиҳатидан маҳорат акс эттира олган.

Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарларидан бири «Самарқанддаги масжид» деб номланади. Бу асар Навоийнинг «Ҳамса» номли асарига ишланган бўлиб, ҳозирда Лондондаги кутубхонада сақланади. Унда йирик масжид кўриниши акс этган. Бу асарда қурувчилар уч гуруҳга бўлиниб тасвирланади. Биринчиси-энг юқорида акс этган ғишт терувчилар, иккинчиси –ўртадаги ёрдамчилар (материал етказиб берувчилар), учинчиси- тайёрловчилар (ғишт ва тоштарошловчилар) дир. Суратнинг юқори ва ўртача қисмида йўл-йўл саллалди, теша ва ғишт ушлаган киши уста тасвири бўлса керак. Суратдаги кўриниш шундай бир биноки, уни қурувчилар зўр шижоат ва кўтаринкилик билан қуришмоқда. Мусаввир бунди билдириш учун уларнинг ҳаммасини ҳаракатда тасвирлаган, биронта ҳам дам олаётган ёки тамошабин бўлиб турган бефарқ одам йўқ. Уларни кузатаётган назоратчи ҳам йўқ. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бино қурилишидаги кишилар куллар эмас, ўз хоҳиши билан ишлаётган кишилардир.

Сурат бизга халқимиз тарихи, унинг турмуш тарзи, меҳнати, кийимлари, меҳнат қуролилари (теша, чўкич, нарвон, бел, тоғара, арқон в.б.) , қурилиш материаллар, бинолар тузилиши ҳақида айрим маълумотлар беради. Асар орқали мусаввир аجدодларимизнинг меҳнатга муносабати, ислом йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳаққоний акс эттиради.

Беҳзод салкам бир аср ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ва ижоди Шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамият касб этади. У ўз ижоди давомида Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Уста Муҳаммадий, Музаффар Али, Шайхзода Хуросаний, Шоҳ Музаффар, Мир Саид Али, Маҳмуд Музаххиб, Абдулло каби кўплаб шогирдлар тайёрлади. Камолиддин Беҳзод ижоди Ҳирот, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шероз, Исфаҳон, Истамбул, Ҳиндистон мўъжаз санъат мактаблари ривожига катта таъсир кўрсатди. Камолиддин Беҳзоднинг ижодини Шарқ ва Ғарбдаги

кўпгина буюк кишилар юксак баҳолаганлар. Хусусан, уни «Шарқ Рафаэли деб аташгани бежиз эмас.

Буюк тарихчи Хондамир «Ҳабиб-ус-сияр» номли асарида Камолиддин Бехзод ҳақида шундай деб ёзган эди: Камолиддин Бехзод ажойиб ва ғаройиб суратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби сурат чизувчи мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан бани одам ҳунарманлари тасвирини мавҳ қилувчидир...». Шайбонийхон, Васиций ва бошқалар ҳам Бехзодни Моний сифат рассом, тенги йўқ мусаввир, жонсиз нарса тасвирига жон бағишловчи мўйқалам соҳиби деб таърифлаганлар.

Камолиддин Бехзод ижоди фақатгина XV-XVI асрлар Моваруннахр маданий ҳаётида аҳамиятли бўлибгина қалмай, балки бутун Шарқ, ҳаттоки Оврўпада китоб графикасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. XVII асрда Оврўпада босмаҳонанинг кашф этилиши китоб графикасининг ривож топишига имкон беради.

Бехзоднинг асарлари юксак кадрланиб, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Франция, Германия, Миср каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида авайлаб сақланмоқда.

Машғулотда ўрганиладиган асарлар суҳбат тарзида, слайда ёки репродукция ёрдамида намоиш этилади.

**Уйга** Бехзоднинг асарларидан биронтаси ҳақида иншо ёзиш вазифа қилиб топширилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим ва тарбиянинг бош мақсади мазмуни тубдан янгиланди. Шу сабабли тўғарак машғулотларида педагогик технологиялари самарали жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси миллий маънавий тараққиётининг муваффақиятларини белгиловчи туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи

кучи педагогик технологияларрни амалга тадбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, ҳамкорлик педагогикасини қабул қилиш айни муддаодир.

### ***Хулоса ва методик тавсиялар:***

Маълумки Шарқ миниатюра рангтасвири маълум даврларда катта шухрат қозонди. Унинг шухрати ҳозирги даврда ҳам кўпгина Шарқ ва Ғарб шарқшуносларининг эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. У ўзининг ишланиш услуби, безакдорлиги билан Ғарб санъатидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Шарқ миниатюра мактаби асарларини, унинг намоёндалари фаолиятини ўрганиш тасвирий санъатдан тўғарак машғулотлари жараёнида ўқувчилар учун фақат турли санъат мактабларини билишда аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки Шарқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари ўша даврдаги халқ ҳаётини билиб олишга ёрдам беради.

Тўғарак машғулотларида Шарқ миниатюра асарларини ўрганишда ўқитувчи Беҳзод ва унинг миниатюра мактабларига алоҳида эътибор бериши, унинг шогирдлари ҳисобланмиш Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Муҳаммад, Музаффар Али, Рустам Али, Мир Саид Али, Махмуд Музаххиб, шунингдек, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Саъди Бухорий, Муҳаммад Нодир Самарқандий, Аҳмад Калла ва бошқаларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўхталиши ўқувчиларни санъатга бўлган қизиқишларини янада оширишга йўл очиб беради.

«Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да синфдан ва мактабдан ташқари таълимга эътибор жуда юқори шу нуқтаий назардан битирув малакавий ишни бажариш жараёнида қуйидаги хулосага келдик.

1. Тўғарак машғулотларида ўқувчиларни Камолиддин Беҳзоднинг шарқона услуби билан таништиришнинг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилди.
2. Тўғарак машғулотларида Камолиддин Беҳзоднинг шарқона услуби билан таништиришнинг мазмун ва моҳияти ёритиб берилди.
3. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларни

машғулотлар жараёнида Камолиддин Беҳзоднинг шарқона услуби билан таништиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди

4. Тажриба-синов ишларида барча ўқувчиларнинг Камолиддин Беҳзод ва у яратган шарқона мактаб тўғрисидаги маълумотлари текшириб борилди.
5. Тадқиқот натижалари ва хулосалари асосида қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

- замонавий талаблар ва фан-техника тараққиётидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ўз касбини онгли равишда тўғри белгилаш ва шу асосда тегишли билимларни пухта эгаллашларига эришиш.

- тўғрақ машғулотларида Камолиддин Беҳзоднинг шарқона услуби билан таништиришнинг самарали тизимини яратиш.

- тўғрақ машғулотларида янги педагогик технологиялар орқали ўқувчиларни ёшларда соғлом турмуш тарзи ва ҳар томонлама баркамол этиб шаклланишига таъсир этувчи зарарли иллатлардан сақлаш.

Ўқувчиларни янги педагогик технологиялар асосида касб-ҳунарни онгли равишда танлаши узлуксиз таълим тизимида жамият талабига мос, рақобатбардош касб эгаси ҳамда ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни онгли касб-ҳунарга йўналтириш ва ҳаёт жараёнига тайёрлашни такомиллаштириш учун ўтказилган тадқиқот иши педагогик, психологик, методик, ташкилий имкониятларини ёритишга бўлган дастлабки уринишлардан ҳисобланади.

***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон. 1998. - 686 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон. 1999. - 37 б.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Шарқ. 1997. - 63 б.
4. С.С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент.1991 йил.
5. С.С.Булатов, П.П. Шабаратов. Муаллимлар институтлари бадиий-графика факультетининг ўқитувчилари учун миниатюра санъати фанидан дастур. Тошкент. 1995 йил
6. "Шарқ минатюриси" Тошкент 1980 йил.
7. "Меъмор санъати" Тошкент 1978 йил.
8. Шарқ минатюра мактаблари 1983 йил.
9. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари. 1360-1370. Т., “Камалак”, 1994.
10. П.П. Шабаратов “Миниатюра” марузалар матни. Тошкент Низомий номли ТДПУ. 2000 йил.
11. П.П. Шабаратов. Лакли миниатюра “ Композиция” Т: “Янги аср авлоди” 2007
12. Ш.К.Шоёкубов Замонавий Ўзбекистон миниатюриси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти 2006 йил.
13. Ўзбекистон Бадиий Академияси “SAN\*AT” журнали. 1999-2010 йил
14. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент, «Меҳнат». 1994.
15. Булатов С. Амалий санъат қисқача луғати.Тошкент. СБН. 1992

16. Ерумян Р., Усам Мўмин (А.Николай) Тошкент. Ғ.Ғ. клом. 1981.
17. Зоҳидов П. Меъмор олами.Тошкент. К.Б.Т. 1996.
18. Зоҳидов П.Меъморчилик санъати.Тошкент. Ғ.Ғулом. 1978
19. Траченко Г. Среднеазиатҳе миниатюр, - Тошкент КБМ, 1994.
  
20. Умаров А. Чингиз Ахматов, - Тошкент Ғ.Ғулом. 1979
21. Умаров А. Ахмедов М. Тасвирий санъат атамаларининг изохли луғати. – Т: ЎзТСМИ, 1998..
22. Усмоонов О. Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. – Т: Фан 1977.
23. Ҳамид Сулаймон. Бобурнома расмлари, - Т: Фан, 1969.
24. Шарқ миниатюра мактаблари. – Т: Ғ.Ғулом, 1989
25. Хасанов Р. Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия. – Т, Ўқитувчи, 1980.
26. Хасанов Р. мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. – Т, Ўқитувчи,1986.
27. Хасанов Р. Бешинчи синфда тасвирий санъат дарслари. – Т, Ўқитувчи, 1987
28. Хасанов Р. Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари. Биринчи синфлар учун методик қўлланма. – Т, Ўқитувчи, 1997.

#### ***Интернет маълумотлари***

1. [http :// www. uz](http://www.uz)
2. [http: // www. ziyonet. uz](http://www.ziynet.uz)
3. [http :// www. google.uz](http://www.google.uz)
4. [http : // www. san'at.uz](http://www.san'at.uz)

*Иловалар:*